

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 й. «29» 6

2022-139-2-35-ОВ-сон

Жондор туман

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Жондор туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошкармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **И.Музаффаров** бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган « GLOBAL PERFECT STROY PLUS » МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи **Ф.Адизов** иккинчи томондан **Жондор туман "Довуд" МФЙ Тунги куча ёритиш тизимини капитал таъмирлаш (урнатиш)** га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:

“ижро хужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар:

“қурилиш майдони”: Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилаб қўйилади.

“вақтинчалик ишлар”: Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

“беркитилган ишлар”:- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ томондан **Жондор туман "Довуд" МФЙ Тунги куча ёритиш тизимини капитал таъмирлаш (урнатиш)** ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**2022 йил “25” июндаги баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **307 120 000** (Уч юз етти миллион бир юз йигирма минг) сўмни ташкил этади.

курилиш қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқقا ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50%ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва саклаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- қурилиш таваккалчилигини сугурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- молиялаштириш жадвалига биноан пудратчига З иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 2ни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида, аванс ўтказади, бу 92 136 000 (Тўксон икки миллион бир юз ўттиз олти минг) сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (З-илова)

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 70% 31.12.2022 йилга кадар амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича мулк хукукини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга кадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар әникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишида хабардор қиласди.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёrlиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан

келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтирида ўз фикирини баён қиласди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар обьект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнida қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиха ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 3 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган

нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидағи нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган заарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0.02 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асосиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган қисмининг 0.02 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 2 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Ҷавлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50 фоизи миқдорида ундириш ҳукуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса хакикий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай келишувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санаасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 иусхада тузилади.

73. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тутагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳакида мурожаат қилмаса, шартнома кейинги йил учун узайтирилган хисобланади. (Бюджетдан маблаг олувчилар учун 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси Коидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгacha белгиланади).

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Жондор туман хокимлиги
Ободонлаштириш
бошқармаси
(бюджетдан маблаг олувчининг
номи)

Манзил: Жондор туман
М.Торобий кўчаси
Тел./факс 58-23-490
Газна./х/р 23402000300100001010.
Банк номи: Марказий банк Тошкент

ш.
ХККМ
МФО 00014 ИНН 201807855
ОКОНХ 90211
ш/х 301821860062467064200110004
Жондор туман Газначилик бўлинмаси
Банк номи. Марказий банк Тошкент

ХККМ

МФО 00014

ИИН 201122919

И.Музатфаров

Пудратчи:

« GLOBAL PERFECT STROY PLUS »
МЧЖ

Бухоро вилояти: Вобкент туман
Хайработча МФЙ

Тел 99- 459-71 -17
Банк: АТБ Узсаноаткурилиш банк
"Тукимачилик" фил.

Х/Р: 20208 000 405 336 357 001

МФО: 00862 ИНН: 308127318

Раҳбар: Ф.Адизов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjat raqami: FV41742475
2. Loyihaning turi: Shartnoma
3. Loyihaning nomi:
Pudrat shartnomasi tuzish to‘g‘risida
4. Loyerha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:
Jondor tumani hokimligi obodonlashtirish bo‘limi tomondan ishlab chiqilgan
va 2022-yil 29-iyun kuni dasturga kiritilgan.
Loyerha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish
maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman adliya bo‘limi yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



A.Rasulov

2022-yil 29-iyun

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 108934 на приобретение Жондор туман "Довуд" МФЙ Тунги куча еритиш тизимини капитал таъмирлаш (урнатиш)

Способ проведения электронный

Дата 25.06.2022

Время рассмотрения 25.06.2022 09:08

Конкурсная комиссия Жондор туман ободонлаштириш бошкармаси, (Далее - Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MUZAFFAROV ILHOM NURIDDINOVICH	Бошкарма бошлиги	Ободонлаштириш
Секретарь комиссии	USMANOV MARSEL MARATOVICH	Техник назоратчи	Ободонлаштириш
Член комиссии	XOLOV MUXTOR MURODOVICH	Бош мухандис	Ободонлаштириш
Член комиссии	QURBONOVA DILNOZA ISMOIL QIZI	Омбор мудири	Ободонлаштириш
Член комиссии	SIDDIQOV SOHIB SOBIR O'G'LII	Булим бошлиги	Ободонлаштириш
Член комиссии	TOXIROV MUROD NOROVICH	Бош хисобчи	Ободонлаштириш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.06.2022 года № лота 108934.
Метод оценки предложений - Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Жондор туман "Довуд" МФЙ Тунги куча еритиш тизимини капитал таъмирлаш (урнатиш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	46 098 000.00
Стартовая сумма	46 098 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Жондор туман "Довуд" МФЙ Тунги куча еритиш тизимини капитал таъмирлаш (урнатиш)
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	261 222 000.00
Стартовая сумма	261 222 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 Иш стажи

· Тип: Числовое значение

Описание: Шу сохада етарли иш стажи

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 2 до 5 лет

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	15	5	15	Системная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	15	4	11.25	Системная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	15	7	15	Системная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	15	4	11.25	Системная		
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	15	4	11.25	Системная		
Халим лакс строй хк	15	11	15	Системная		

Критерий №2 Ишларни бажариш муддати

Тип: Числовое значение

Описание: Ишларни бажариш муддатини кискартириши ишнинг сифатида акс этаслиги лозим

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 30 до 45 кун

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	15	32	2.81	Системная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	15	42	12.19	Системная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	15	45	15	Системная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	15	45	15	Системная		
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	15	45	15	Системная		
Халим лакс строй хк	15	40	10.31	Системная		

Критерий №3 Кафолат муддати

Тип: Числовое значение

Описание: Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – больше: от 180 до 240 кун

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	20	240	20	Системная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	20	240	20	Системная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	20	240	20	Системная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	20	240	20	Системная		
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	20	240	20	Системная		
Халим лакс строй хк	20	729	20	Системная		

Критерий №4 Моддий-техника базаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишни уз вактида бажариш учун зарурий **моддий-техника базаси мавжудлиги**

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	20	I	15	Экспертная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	20	I	20	Экспертная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	20	I	10	Экспертная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	20	I	10	Экспертная		
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	20	I	10	Экспертная		
Халим лакс строй хк	20	I	16	Экспертная		

Критерий №5 Моддий таъминот

Тип: Бинарное значение

Описание: Талабгор моддий таъминланганлиги ва йиллик маблаг айланмаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	20	I	15	Экспертная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	20	I	20	Экспертная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	20	I	14	Экспертная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	20	I	16	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	20	1	10	Экспертная		
Халим лакс строй хх	20	1	16	Экспертная		

Критерий №6 Коррупцияга карши талаблар

Тип: Бинарное значение

Описание: 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	15	1	14	Экспертная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	15	1	15	Экспертная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	15	0	14	Экспертная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	15	1	15	Экспертная		
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	15	1	14	Экспертная		
Халим лакс строй хх	15	1	13	Экспертная		

Критерий №7 Иш тажрибаси

Тип: Бинарное значение

Описание: Шу соҳада олдин килинган ишлар руйхати ва буюртмачилар берган тавсифномалари

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО YO'L PLYUS BINO	15	1	5	Экспертная		
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	15	1	14	Экспертная		
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	15	1	12	Экспертная		
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	15	1	11	Экспертная		
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	15	1	12	Экспертная		
Халим лакс строй хх	15	1	12	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
------------------------	-----------------	--------------------	------------------	-------------------------

ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	307 320 000.00	307 320 000.00	24.06.2022 12:15:16	9.27
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	307 320 000.00	294 630 000.00	24.06.2022 00:01:50	9.67
ООО YO'L PLYUS BINO	307 320 000.00	285 000 000.00	23.06.2022 09:07:21	10.00
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	307 320 000.00	307 120 000.00	23.06.2022 09:34:43	9.28
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	307 320 000.00	307 000 000.00	24.06.2022 12:09:43	9.28
Халим лакс строй хк	307 320 000.00	299 762 640.00	24.06.2022 17:48:52	9.51

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО WHOLESALE TRADE COMPANY	69.1875	9.27372	78.46122
ALISHER ABDUNASIMOVICH MCHJ	74.9997	9.67315	84.67285
ООО YO'L PLYUS BINO	65.1078	10	75.1078
ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS	84.33	9.27976	93.60976
MCHJALI DOVUT BUNYODKOR	73.6875	9.28339	82.97089
Халим лакс строй хк	76.7322	9.50752	86.23972

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 108934 от 25.06.2022 года на приобретение Жондор туман "Довуд" МФЙ Тунги куча еритиш тизимиини капитал таъмирлаш (урнатиш) определила победителем:

ООО GLOBAL PERFECT STROY PLUS
308127318

и резервный исполнитель: Халим лакс строй хк (301186764)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	QURBONOVA DILNOZA ISMOIL QIZI	Согласен	
Член комиссии	TOXIROV MUROD NOROVICH	Согласен	
Член комиссии	SIDDIQOV SOHIB SOBIR O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	XOLOV MUXTOR MURODOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	MUZAFFAROV ILMQM NURJIDDINOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП